

## Сон аврат, уни беркитиш фарз! | Ҳадис дарслари (297-дарс)



19:00 / 04.09.2024 2788

هُلَّلَا يَضَرَّ رَعِيْرُهُ يَبَا نَع  
هُلَّلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَع هُنَع  
لَّصُّ يَال: لَاقَ مَلَسَو هِيَلَع  
دِحْأُولَا بُوْثَلَا ي فُ مْ كُ دَحَا

هُنْمَ هَيْ قَاتَاعَ يَلَعَسُ يَل  
إِلَّا هَسْمَخْلًا هَاوْرِيْ ش  
يْ ذِمَّرْتَلَا

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Бирортангиз елкасида бир ози бўлмаган битта кийимда намоз ўқимасин», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

**Шарҳ:** Бу ривоятдан кийимнинг бир қисми елкада туриши тушунилади. Албатта, бу ерда ўша вақтдаги кийимлар ҳақида сўз бораётгани аниқ. У вақтда саҳобалар кийимлари озлигидан қийналганлар. Ҳозирда эса имкон бўлса, яхши кийим билан намоз ўқишга ҳаракат қилишимиз лозим.

لُؤْسَرُ تِيَّارٍ لَّاقِ تِ رَبِّ اجْ نَع  
هَيْ لَعُ هَلَلَا يَلَصَّ هَلَلَا  
دِحْ أَوْ بَوْتِ يَفِيَّ لَصِيَّ مَلَسَو  
نَاخِيَّ شَلَا هَاوْرِيْ هَبَّ أَحْ شَوْتُمْ

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бир кийимга ўраниб, икки тарафини елкаларига ташлаб олиб, намоз ўқиётганларини кўрдим».**

*Икки Шайх ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Демак, ана шундай ҳолатда ҳам намоз ўқиш жоиз.

يَضْرِبُ رِمَاعٍ نُبَّةً بُقُوعُ نَع  
يَبْنُلُ لَيْدُهُ أَلْأَقُ هُنَعُ هَلْ ل  
مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلْ لَإِ يَلَص  
هَسَبَلَفِ رِيحُ جُورَف  
فَرَصْنَا مُثِ هَيْفِ يَلَصَف  
هَرَاكُ لَأَكْ أَدِي دَشْ أَعَزْنُ هَعَزْنُ ف  
أَذَهْ يَغْبُنِي أَلْ أَلْأَقُ وَهَلْ  
نَأْخِي شَلْأُ هَأُورْ . نِي قُتُّ مَلْ ل  
يُئِئُ سُنْ لْأُ

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ипак фарруж ҳадя қилинди. Бас, уни кийиб, намоз ўқидилар. Сўнгра бурилиб, худди уни ёмон кўргандек, шиддат билан ечдилар ва:**

**«Бу тақводорларга тўғри келмайди», дедилар».**

*Икки Шайх ва Насаий ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Ушбу ҳадис ровийси Уқба ибн Омир билан яқиндан танишиб олайлик.

Уқба ибн Омир ибн Наби Ансорий ас-Саламий аввалги Ақба байъати, Бадр, Уҳуд ва бундан бошқа бир неча ғазотларда иштирок этганлар.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу Ямома кунида шаҳид бўлганлар.

«Фарруж» — олди очик яқинда ўхшаш кийим. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга турли ўлка ва диёрлардан кийимлар ҳадя қилинган. Унча кўп бўлмаса ҳам, шунга ўхшаш баъзи ҳадялар бўлган. У зотнинг Миср, Яман ва Ҳабашистондан ҳадя қилинган кийимларни кийганликлари маълум.

Бу ривоятдаги «фарруж» ҳам ажамларнинг кийимларидан бўлган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кийиб, намоз ўқиганлар-у, аммо кейин ундаги камчиликларни мулоҳаза қилиб, бундай кийимни кийиш тақводорларга тўғри келмаслигини айтганлар.

Фарруж ипак матодан тикилгани ва унда намоз вақтида эътиборни жалб қиладиган нарсалар бор бўлгани учун дарҳол ечганлар.

Демак, намозда ана шундай кийимларни эмас, шариат кўрсатмаларига мос кийимларни кийган маъқул.

هَلَلَا يَضْرَسُ أَبَعِ نَبَا نَع  
هَلَلَا يَلَصُّ يَبَّنَلَا نَع، هُنَع  
ذِخْفُ لَأ: لَأَقَمَّ لَسَوِ هِيَلَع  
دُوَادُ وَبَأُو يِرَاخُ بَلَا هَأَوِر. هَرُوع  
يِ ذِمَّرْتَلَاو

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Сон авратдир», дедилар».**

*Бухорий, Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Эркак кишининг сони аврат саналади, уни тўсиб юриш, намозда беркитиш албатта, фарз.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.**